





Тангри сахий-дир, сахийларни дуст тутади.

Уша куни одатдагидек Тура ака уйда тушликни қилиб, яна ишга кетаётган эди. Бир вақт қараса, чиқинди ташланадиган майдон атрофида бир тўла киши тўпланиб турибди. Хайрон бўлди. Яқинлашиб оқиб борганда, назарини жиқдириб ўқиди. Шаҳардаги катта-кичик раҳбарлар ҳам шу ерда. Хоким кесиб-кесиб қаттиқ овозда кимнидир «эялти»...


«Қариялар-эл фахри, юрт ифтихори» танловига

шиб кетди. Йўлни Шомат бобо уйига бурди. — Гап бундай, шу жойни менга олиб беринглар, тозалайман, чиқиндиҳона ўрнида боғ яратаман, — деди у ҳар бир сўзига ургу бериб. Оқсоқолнинг чехраси очилиб кетди. — Шу жойни обод қилсангиз, зўр иш бўларди, — деди у хурсанд ҳолда.

Орадан бир дафъа вақт ўти. Тегишли ҳамма расмий ҳужжатлар тайёр бўлди. Шундан сўнггина Тура ака уша

қувончдан баъзан энтикиб кетарди. — Шу десангиз, бир куни раҳматли буваминг сўзлари ёдимга тушиб қолди, — деб эслади Тура бобо. — У киши хайри худойи, деб кўчаларга, ариқ четларига тут экиб юргани ёдимга тушди. Шу туглар воёга етиб, ҳосилга кирса, қанчадан-қанча одамларнинг оғзи тегади, бунинг савоби катта, дер эди раҳматли. Улчаб чиқдим, майдоннинг чор атрофига ўттиз туپ тут кўчати экса бўларкан. Шун-

кинчи йилларда очлик жонжонимдан ўтиб кетган. Отам ферма мудури эди, молларни боққани узоқ яйловга олиб боришган. Нима бўлди денг, бир куни эрталаб қарашса, 37 бош қорамол йўқ. У ёққа чопишди, бу ёққа югуришди — мол у ёқда турсин иси ҳам йўқ. Бор будимизни, ҳатто ўтирадиган шолчамизгача сотиб, пулини тўлади раҳматли отам. Қани энди, дейман, ҳамма мулкдор, сармоюдорман деб юрганларда ҳам худди шундай хислат бўлса. Юрти-



МЕҲНАТ ДАН КЕЛСА БОЙЛИК

жойни роса сиңчиқлаб ўрганди. Нималар йўқ дейсиз бунда, шаҳар шохобчаларига иссиқлик берадиган қозонхонадан нима чиқса, чиқариб шу ерга тўкаверишган, қурилишдан қолган чиқиндилар лейсизми, кераксиз темир-тераслар, синган гишт, темир-бетон буюмлари, атроф хонадонлардан чиққан нарсалар...

қилдим. Бу ишлар тўқсонинчи йилнинг бошларида бўлганди. Эндиликда боғ мўл ҳосилга кирди. Узоқ-яқиндан Тура аканинг тутидан еб келадик, деб одамлар келишди. Оғзи теккан борки, бу дархатларни эккан киши шаънига яхши гапларни айтди.

мизда ёрламга муҳтож кишилар қолмасди ҳисоби. Қўрғон-тўғармон бўлиб кетганлар киши-уч қаватли қошоналар қуриляпти, уларда ўн-ийтирмалаб қоналар бор, тагарида қўша-қўша машина. Худо берган экан, қалоллар бўлсин, ҳасад қилмаймиз йилдо, бир истақ бор бу кўнглида: ўшалар ҳам худди бизнинг Тура ака каби бир атрофга назар солсалар, ахир дунёда савоб деган беназир нарса ҳам бор. Ахир улар ҳам шу юрт фарзанди, шундай экан муртаб шаъни уларга ҳам беғона эмас-ку.

Оқсоқол тўри айтган экан, улкан ахлатхонани тозалаш билан кучи билан битадиган иш эмас. Ёнига беш ўғлини олди, икки-уч кун уриниб қўришди, бўлмади. Уйдаги молини сотди, грейдер ёллади, бор ашқол-лашқолни бир четга тўплатди. Машина ёллади, тоза ташиди. Қотиб қолган цемент, пачоқданган темир-терасларни ортиш мушкул иш бўлиб чиқди. Узоқ йиллар қурилиш ташқиқотларидан ишлаган эмасми, отанг яхши — онанг яхши деб кўтарма қран топиб келди.

Кўнглида: ўшалар ҳам худди бизнинг Тура ака каби бир атрофга назар солсалар, ахир дунёда савоб деган беназир нарса ҳам бор. Ахир улар ҳам шу юрт фарзанди, шундай экан муртаб шаъни уларга ҳам беғона эмас-ку.

Оқорида ҳижоқ қилганими Шомат бобо бўлиб ўтган ўша паст-баланд гаплардан сўнг мен маҳаллага Эндиликда оқсоқоллик қила олмайман, деб айтди. Барака топинглар, шу ишни елкамдан соқит қилдинглар, деб туриб олди. Яқинишди-ёлборишди, фойдаси бўлмади. Хўп, борди-ю шундай бўлса кимни оқсоқол қилиб сайлаймиз, деган масала кўндаланг бўлди.

Неча кунлик югур-югурлардан сўнг, ниҳоят, майдон тозаланди. Роса 90 сотих экан. Қаранг, инсон қўлини гул, деб бекорга айтмаганлар, майдон шундай очилиб кетдики, асти қўверасиз, ўтган-кетган сўқландиб қарайдиган бўлди. Ҳисоблаб чиқди Тура ака қанча кўчати кетишини. Уша пайларда хаёлини буткул шу юмушлар эгаллаган эди, кундуз кунлари эмас, балки тунлари ҳам келгусидани боғ кўз олдида намоён бўларди,

Мақсадини ҳокимга айтди. — Отангизга минг раҳмат, аjoyиб иш бўлади, савобнинг тағида қолдиган бўлибсиз, — деди ҳаяжон билан у.

Хуллас, саккиз оиланинг ҳар бирига ўн сотихдан бўлиб беришди. Эндиликда эрта-ю кеч Тура ака ҳақиқа дуо қилишиб, боғдан фойдаланишмоқда. Уларнинг рўзгорига кут-баракка кирди.

Тура отахонинг кўнглини юпатувчи гаплар айтган бўлди. — Қизиқ, нимагадир оқсоқолнинг эзилиб айтган сўзлари Тура аканинг хаёлидан нари кетмай қолди.

Шундай тўхтама келиш учун нима туртки бўлди, деб сўрадим. У бироз хаёлга чўмди, сўнг аста бошини кўтариб сўз бошлади.

Хамма қарсақ чалиб юборди. Тура ака оғиз жуфтлаган

ча қолаверди, гапиргани кўйишмади. Кўп ўтмай пойтахтдаги йиғилишда уни Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси кенгашига аъзо қилиб сайлашди. У бутунлай тинчнинг йўқотди, ертдан кечгача одамлар дари деб еиб-югурарди. Маҳаллада ёшлар учун спорт майдончасини барпо этди. Ичимлик суви келтирди. Кўчаларга асфальт ётқизди. Одамлар кўнглига йўл топиб, ҳашарлар уюштирди. 1994 йилда 300 ўринли тўй-ҳашам ва маҳалла йиғинлари ўтказиладиган мажмуа борпо этилди, унда 50 ўринли чойхона ҳам бор. Турли лаззатли таомлар тайёрланадиган бўлди. Палов дейсизми, шўрва, кабоб ёки сомса дейсизми — қачон келманг ҳаммаси муҳайё. Новойхонадан чиқётган янги узилган бўрилдоқ нонларни айтмайсизми. Мажмуа тезда одамлар оғизга тушди. Бу Қарши шаҳрида биринчи бор барпо этилган хусусий маскан эди. Уни раҳматли отасининг хотирасига «Мансур ота чойхонаси» деб номлади.

Худо берганга бераман, дейди. Худди шундай бўляпти. Тура бобо хайри ишларни, савоб ишларни қанча кўп қилса, табирикорлик ишлари ҳам худди шунча авж оляпти, ривож топяпти. Ёмир билан ер қўқарар, дуо билан эл, деб бекорга айтмаганлар. Тиниб-тинчимас отанг катта мақсадлар билан яшашпти. Хозирги пайтда у шаҳарнинг Хонобод қўчасида олимпиада савдо дўконига, битта эллик квадрат метрли савдо марказини қўриб битказиш арафасида. Яқинда эса шу кўчада дорихона, савдо маркази ва оқватланиш корхонасини қўриб, фойдаланишга топширди. Қанчадан-қанча иш жойларини яратяпти, буларнинг бари кишилар қўрига яратяпти, қанчадан-қанча одамларнинг тирикчилиги ўтяпти.

Беш азамат ўғилнинг отаси (уларнинг бари мустақил ишнинг бошидан ушлаганлар) набираларнинг бағрида оёқ узатиб, кексалик гаштини суриши мумкин, бунга барча имкониятлар бор. Аммо юрт юқининг, жисла курси, бир кичик бўлагини елкасига олиш иштиғи уни яна янглик яратиш ва эзу ишларга чорламоқда.

Исмомил СУЛАЙМОНОВ.

Бугун — Матбуот ва оммавий ахборот васиталари ходимлари кун

ИМТИҲОН

ёхуд СЎЗга суюнган одамлар

Дўппимиз бир айлангунича байрамимиз келиб қолади. Узимизча ўтган йилни сарҳисоб қиламиз. Ҳалвиримиз сувдан қай аҳволда кўтарилганини ўзимиз ҳам яхши биламиз. Лекин энди катта ҳарфларда ёзилаётган ЖУРНАЛИСТ сўзининг ортида қанчалар меҳнат ва заҳмат, қолаверса, чексиз бир шараф ҳам ётганини англайдиган пайт келди.

Биз СЎЗга суюнган одамлармиз. Ва бугун ҳеч иккиланмай бир-биримиздан ана шу СЎЗга солиқ ҳамда собиғлигимиз ҳақида сўрасак арзийди.

Бир йиллик бетакрор йиллар имтиҳонидан ўтаялмиз. Холисе баҳонини эса эрта бир кун энг, аввало, ҳаётнинг ўзи, қолаверса, эл-улус айтиди. Шундай бўлса-да, барибир кўнглиминг бир чеккасида турган мулоҳазани айтишим керак. У ҳам бўлса, журналистиканинг бой аъёнлари бугун тикланаётганини эътироф этган ҳолда энди дунё ахборот майдонига бизнинг ҳам ўз сўзимиз айтилишини истайман. Чунки бизда ҳеч бир оммавий ахборот воситасига ўхшамайдиган тажриба ва усуллар шаклланди, аъёнвий мактаблар бор-ку! Нега биз тиббиёт ёки спорт соҳасида аjoyиб мактаблар ҳақида шов-шув кўтарамиз, лекин ўзимизнинг ноҳир илоҳий мактабларимиз ҳақида гапирмаймиз. Яна тағин бўзиб ўки куллага куламыз. Узимиз-чи?

Биз СЎЗга суюнган одамлармиз. Ва бугун ҳеч иккиланмай бир-биримиздан ана шу СЎЗга солиқ ҳамда собиғлигимиз ҳақида сўрасак арзийди. Хўш, биз қаламкашлар бугуннинг сўзини қандай айтатишимиз? «Журналист» дейиш осон. Лекин ана шу улғу номга муносиб, арзирли нима иш қилдик? Сафимизни санасак, санок етмайди. Бирон машарватга йилгилсақ, илмоққи савол тугилса, жавоб излаб қоламиз. Ахир, биз излаётган мавзулар оддийгина одамлар орасида эмасми?

Биз СЎЗга суюнган одамлармиз. Ва бугун ҳеч иккиланмай бир-биримиздан ана шу СЎЗга солиқ ҳамда собиғлигимиз ҳақида сўрасак арзийди. Хўш, биз қаламкашлар бугуннинг сўзини қандай айтатишимиз? «Журналист» дейиш осон. Лекин ана шу улғу номга муносиб, арзирли нима иш қилдик? Сафимизни санасак, санок етмайди. Бирон машарватга йилгилсақ, илмоққи савол тугилса, жавоб излаб қоламиз. Ахир, биз излаётган мавзулар оддийгина одамлар орасида эмасми?

«Туртинчи ҳокимият» бўлгунларингча ўн йил ўтди. Доим ҳамкасбларингизни мақтайсан. Майли, мақтайвер. Лекин биз тарафлардаям қаҳрамон-


«Туртинчи ҳокимият» бўлгунларингча ўн йил ўтди. Доим ҳамкасбларингизни мақтайсан. Майли, мақтайвер. Лекин биз тарафлардаям қаҳрамон-

«Туртинчи ҳокимият» бўлгунларингча ўн йил ўтди. Доим ҳамкасбларингизни мақтайсан. Майли, мақтайвер. Лекин биз тарафлардаям қаҳрамон-

«Туртинчи ҳокимият» бўлгунларингча ўн йил ўтди. Доим ҳамкасбларингизни мақтайсан. Майли, мақтайвер. Лекин биз тарафлардаям қаҳрамон-

Ёз — ўтмоқда саз

Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 31-ўрта мактабда ташкил этилган «Орзу» болалар ёзи оромгоҳида юз нафар ўқувчи дам олмоқда. Оромгоҳда ҳар куни турли ўйинлар, спорт мусобақалари, эртақ қаҳрамонлари иштирокидаги байрамлар ўтказилади. Бундан ташқари, «Ловияча» мусиқий тўгарани, «Довдир қўлчалар» номли кўл ҳунари тўгарани,



Савобнинг катта-кичиги бўлмайди

узбек миллий рақслари ва инглиз тили тўгараклари ҳам иш олиб бораёпти. Шунингдек, китобсевар болалар мактаб кутубхонасидан ўзлари севган эртақ китобларни олиб, вақтларини маротиба ўтказишлари мумкин. — Болалар оромгоҳи деганда, энг аввало, шод-хуррам спорт мусобақаларию, мазза қилиб бассейнга калла ташлаётган болалар кўз олдимизга келади. — дейди 31-мактаб директори Ирина Дмитриевна Ли. — Яқин-ат-

рофимизда бассейн йўқ. Ахир усиз оромгоҳ бўладими? Бошимиз қотиб турганда мактабимиз жойлашган даҳаддаги хусусий бассейн директори Абдусаттор Абдумусалов оромгоҳимиз учун ўз хизматини таклиф этиб, жонимизга оро кирди. «Болаларнинг соғлиги ҳамма нарсадан қиммат. Шу болаларни деб яшаймиз-да», деди Абдусаттор ака ва оромгоҳда дам олаётган болаларнинг ҳар куни бассейнда текин чўмилишлари учун шароит яратиб берди.

Сузишни ўргатувчи тренер ҳам болаларнинг хизматига. «Савобнинг катта-кичиги бўлмайди», деб тўғри айтишаркан-да. Шу билан бирга, Миробод тумани халқ таълими бўлими бошлиғи Л.Абдурауфов ҳам оромгоҳда болалар учун ҳамма шароитни яратишга катта ҳисса қўшди.



— Фақат ачинарлиси шундаки, оромгоҳга йўлангани бор-йўғи 100 тагина олдик. — дейди «Орзу» оромгоҳи бошлиғи Анжелика Бичкова. — Ваҳоланки, 200 нафар болани қабул қилишга имкониятиз бор эди. Даҳамиз катта, атрофдаги бешта мактабда ўқийдиган болалар оромгоҳимизга келишди. Ота-оналар йўланам камлигидан жуда ачинишди, биз эса ёраам беришга ожиз қолдик. Бу камчилигини эндиғи йили тўғрилаймиз, албатта.

М.ЙҮЛДОШЕВА, Зафар ТОҶИЕВ олган суратлар.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ


«АСАКА» банки



«Асака» банки пластик карточкалари — бу: ишончли, нуфузли, қулай ва фойдали.

- Сўм карточкаларимизга товарлар ёки хизматларга тўлов ёки нақд пул олиш учун сиз ўзингизга қулай бўлган вақтда республикамиздаги савдо ва хизмат кўрсатиш жойларида, Europay (MasterCard) халқаро карточкалар орқали жаҳондаги ҳар қандай мамлакатда туриб тўловни ёки валюта олишни амалга оширишингиз мумкин.
- Сизнинг пластик карточкаларингиздаги қолдиқ маблағларингизга даромад қўшилади.
- Банкимизнинг ўзига хос томони шундаки, юксак малакали мутахассисларимиз миждозларимизга юқори даражада хизмат кўрсатади ва сиз пластик карточкаларни қисқа вақтда олиш имконига эга бўласиз.
- Энг муҳими, «АСАКА» банки омонатларингизнинг тўла сақланишини ва махфийлигини кафолатлайди.

«АСАКА» банки карточкалари бу янги бир дунё!



Пластик карточкаларни олиш буйича банк филиалларига мурожаат қилинг. Телефонлар: 120-81-79, 120-82-75, 120-83-09, 120-83-32, 120-83-14, 120-83-91, 120-84-08, 120-81-98, 120-84-23.

«Галла — 2002»



Мингбулоқ хирмони

Мингбулоқ тумани галлакорлари йиллик режани вилоятда биринчилардан бўлиб урдиладилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 37,6 центнерни, ялпи ҳосилдорлик эса 18500 тоннани ташкил этди. Юксак хирмонга «Гулбоғ», «Гигант», Амир Темур номидаги ҳўжаликлар қатори «Мадад», «Соҳибқирон», «Ҳамдамбой» сингари фермер ҳўжаликлари муносиб улуш қўшдилар. Ҳозир туманда галла ўрим-йғими давом этмоқда. Мақсад мингбулоқнинг 29000 тонналик галла хирмонини бунёд этишидир.

Қосимжон АКБАРОВ, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

UZDUNROBITA cellular «Ўздунробита» ҚҚ абонентлари диққатига! Тошкент шаҳрида GSM русумидаги янги тармоқ қурилиши ишлари олиб борилиши муносабати билан айрим туманларда алоқа сифати вақтинчалик ёмон бўлиши мумкин. Бизни тушунишингизга ишонамиз ва келтирилаётган ноқулайликлар учун узримизни билдираемиз. «Ўздунробита» ҚҚ.

ВРЕМЯ ПОДПИСАТЬСЯ! на журнал «ПрессТИЖ» Вы подписались на журнал «ПрессТИЖ» только на первое полугодие?! Тогда сейчас самое время подумать о продлении своей подписки до конца 2002 года! Если же вы постоянный подписчик журнала «ПрессТИЖ» — рекомендуем подписаться на наш журнал своим партнером по бизнесу. Такой совет поднимет ваш собственный ПРЕСТИЖ. Оформить подписку можно в ближайшем отделении связи или с помощью фирм-дилеров. Дополнительную информацию о процедуре подписки вы всегда можете получить, позвонив по телефону 180-11-44 в г.Ташкенте.

Ташаббус сўнмасин

ТУЗ ҲУРМАТИ, ТАЪЛИМ ҲУРМАТИ

Халқимизда: «Бир кун туз тортган жойга қирқ кун салом» деган гузал нақл бор. Бу нақл одамларимиз маънавиятидаги, инсон табиатидаги ноёб бир фазилатни ўзида ифода этади. Чиндан ҳам, туз-нон тортган жой ҳурматини ҳис қилиши, қадрлаши — олий инсонийлик.

Пойтахтимиздаги «АНГЕЛС ФУДС» («ANGLES FOODS») Буюк Британия — Ўзбекистон қўшма корхонаси раҳбари Зафар Хошимов халқимизнинг ана шундай фазилатини ўз шахсиятида ёрқин намойиш этган ватандошларимиздан биридир.

Бу — ташаббури шунчаки бир фалсафаси эмас. Балки ҳаётнинг амалий қониси. Зафар Хошимов — ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг механика-математика факультетини бир вақтлар тамомлаган. Ҳозирги кунда йирик тадбиркор-тижоратчи. Юқорида айтганимиздай, халқро тижоратчилик қўшма корхонасини бошқаради. Биргина Тошкент шаҳрида бу қўшма корхонанинг 4-5 та супермаркет дўконлари бор. Вилоятларда ҳам шундай йирик дўконлар очган.

Бунинг устига, «Ангелс фудс» пойтахтимиздаги бир неча йирик ишдаб чиқариш корхоналарининг акциялари соҳиб. Замонавий тадбиркорликни ишбу корхона самарали ривожлантирапти.

Хуллас, бу корхона раҳбари Зафар Хошимов шундай сентаяр ойдан ўзи таълим олган даргоҳ — Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультетидан ўқигани энг етуқ талабалар учун қўшма корхона номидан 5 та фахрли стипендия жорий этишни режалаштирди. Ҳозир айтаётганимиз, қўшма корхона бор экан ва унинг иши юришиб тураётган экан, бу стипендиялар ушбу йилда, мунтазам, аънаванай ҳолда ҳар йили давом эттирилади.

Шундай қилиб, замонавий тараққиёт тамойиллари таълим соҳасида ҳам тобора яққол кўзга ташланиб бораётиб. Хорижий давлатлардаги энг йирик ва етакчи олий таълим марказларининг юқоридагидек иш тажрибалари ҳаётимизга аста-секин кириб келмоқда.

Биз юқорида университетимиз битирувчиси, соҳиб талаба Зафар Хошимовнинг хайри қадамини яхши бир ташаббус тарзида таърифлади. Ҳолбуки, бизга ташаббус бўлиб туюлган бундай тадбир АҚШнинг етакчи университетлари кундалик турмуш тарзининг бир амалий қиррасидир.

Америка университетларида «Алани релишенс» — «Битирувчилар бўлими» деган махсус бўлимлар қўлдан бўён фаолият олиб боради. Маъзур бўлим университетларнинг маъмурий бошқарувида салмоқли ўрин тутади. Бунинг сабаби шунки, АҚШ университетларини бундан кўп йиллар олдин битириб кетганлар ўз олий ўқув юртини унутмайдилар. Улар ўртасида мунтазам йўлга қўйилган икки тарафлама алоқа мавжуд. Ҳар қандай талаба университетини битириб юқори лавозимларга кўтарилиши ёки бизнесда катта муваффақиятларга эришиши билан ўз университетларига маблағ, бино, ускуна ва бошқа кўринишларда соғва қилишади. Мисалан, Нью-Йорк давлат университетига уни битирганлардан ҳар йили 600 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ тушади экан. Бу эса университетнинг, 7 миллиард АҚШ долларидан иборат бюджетининг камидан 10 фоизини ташкил этади.

Университетлар давлат хизматида, жамғармаларда, бизнесда, санъатда улкан ютуқларга эришганга ўз битирувчилари билан фахрланади. Чунки битирувчилар университетлар обрўини оро, молиявий қувватига қувват қўшиб келмоқдалар. Шундан, масалан, Арканзас университети ўз битирувчиларининг биттасини ҳам унутмасдан, уларнинг номдари, битирган йилларини узун, алоҳида йўлакка тўхтовсиз ёзиб боради.

Бу гапларни айтишдан мудоао нима? Демократик, бизнинг республикамиз университетларини ҳам шун пайтагача кўп давлат арболлари, машҳур олимлар, адиблар, санъаткорлар, спортчилар, бизнесменлар битириб чиқшган. Фикримизча, бизлар ҳам улар билан алоқани мустақкамлаб, худди АҚШ университетларида бўлганидай «Битириб қўлдан олиш»ни ташкил этсак, бу савий-ҳаракат университетларимиз равангини оширган бўлар эди. Шундай қадам қўйилса, таълим олган даргоҳнинг бир умр қадрлайдиган, эъзозлайдиган шахслар республикамиздаги таълим ривожига уларнинг муносиб ҳиссаларини қўшишлари учун имконият яратилади. Шунда Зафар Хошимовлар сафи кенгайди.

Равшан АШУРОВ, ЎЗМУ механика-математика факультети декани.

Ҳарбий қисмда учрашув



Н-ҳарбий қисми аскарлари ҳузурига меҳмонлар келишди. Тошкентдан, Қибрай туманидан. Туман жамоатчилиги вакиллари. Шу қисмда хизмат қилаётган аскарларнинг ота-оналари, қариндошлари. Муд-дао равшан — ҳол-аҳвол сўрашиш. Дийдорлашув. Бир пиёла чой устида гурунг. Шу жонажон Ватан олдидаги бурч ва хизматнинг муқаддаслигини яна бир бор қалбдан зикр этмоқ.

ФИКРИМИЗ, ЗИКРИМИЗ СЕН БИЛАН, ВАТАН!

Қисм командири, подполковник Илимдор Илбёсов ва унинг ўринбосари Бахтиёр Тошмировлар учрашув аввалида меҳмонларга қисм тарихи ҳақида, уларнинг бугунги юмушлари тўғрисида гапириб бердилар. Ҳозир навбатда улуғвор пойтахтимизга туташ сўлим Қибрайдан келган вакиллар — туман ҳокимининг муовини Биби-хал Шералиева, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Уткир Усмонов, туман «Ну-роний» жамғармаси раиси Абдуқодир Шукроров, Му-лофаа ишлари бўлими бош-лиги полковник Елгорбек Яқубжонов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси Дониёр Зокиров ва бошқалар ту-манларидан амалда иш-ри-лаётган бунёдкорлик юмушлари, Ватанимиз мустақилли-гининг ўн бир йиллигини и-шонлашга қаратилган тай-ярликлари ҳақида, тинч меҳнат, осуа ҳаёт, халқнинг кенг қамровли ишонқор-лиги, эртани кунга ижод ва умиди, давлатимизнинг тинчликпарварлик сийсати самараси экани ҳақида га-пиридилар.

Шўролар замонида одамларимизнинг, ёшлари-мизнинг фикри-тафаккури тарқоқ эди, Ватан деган ту-шунча маъмулаштирилган эди, — дейди Уткир Усмонов. Мустақиллигимиз бизга, ай-ниқса, ёшларимизга юртимиз-ни, Ватанини танитди. Шу юр-тининг одамлари бир жону бир тан эканлигини аниқлатди. Юртининг ҳар бир қарич ту-проғи муқаддаслигини, табар-руклигини онг-шууримизга қўйди.

Ватаниннг ҳар бир тўша-си бир-бирига ўхшаш, — дей-ди Бибиҳал Шералиева. — Де-новга келиб мен ўзимни уй-имда, Қибрайимда турган-дай ҳис қилаётман. Иккала жойнинг иқлими, дараклари, гуллари ва ҳатто, одамлари бир-бирларига шунчалар ўхшаш. Ватаниннг азизлиги, унинг ягоналигини аслида шунда-да.

Ота-оналарнинг шу қис-мда хизмат қилаётган фарзанд-лари билан учрашувлари ҳам-масидан ҳам мароқли кечди. Улардан бири — Азизбек Алибобоев. Хизматга келгунча олий маълумот олишга улгур-ган. Жисмонан соғлом. Фи-кри мусаффо. Мақсади ўз ола-сига — Ватанига муносиб бў-лмоқ.

Мирзиёв Эргашев хизмат билан билан экан, меҳмонлар ҳузурига кейинроқ келди. Мирқомил ака ва Зухра опа-лар аскар ўғилларини бағир-ларига босиб кўришадилар.

Улгайгандай, тўлишгандай бўлиб турган ўғилларидан кўзларини узолмайдилар. Мирзиёв ота касбини танла-ган — шофёр. У уйлаган, кўзлаган катта нияти — ота-онаниннг юзини ерга қарат-маслик. Ватандошларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиш.



Сой соҳили сўлим-сўлим... Турғунбек МАХКАМОВ олган сурат.

«MAKSIMA» мебель салони

Италия, Испания, Польшадан келтирилган мебулар, ёриткичлар, кандиллар, расмлар ва кўрпа-ёстиқ анжомларини таклиф этади.

«MAKSIMA» АРТ-ДИЗАЙН СТУДИЯСИ

жондонингиз, ховлингиз, ландшафт дизайнини яқка тартибда ишлаб беради. Каталог бўйича бюртмангиз етказиб берилади.

Advertisement for MAKSIMA furniture and art design studio, including contact information and a small map of the location.

САВОЛ БИЗДАН...

«Кимки бизнинг шон-шухратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин» — Соҳибқирон Амир Темурнинг бу хикмати қайси тарихий обида паштоққа нақшланган?

136-35-60
Кечаги соида берилаган саволини жавоби: 1982 йилда Англия — Франция учрашувидан инглиз терма жамоаси аъзоси Брайан Робсон ўйиннинг 27-сониясида гол киритган.

Бу ҳақда тошкентлик Дилшод Эшмурадов хабар берди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

2002/2003 ўқув йили учун бакалаврият ва магистратурага қабул эълон қилади. Тошкент Давлат аграр университети нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда етуқ, малакали қишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлаш бўйича йирик олий илмий-ўқув масканидир.

Ҳозирги кунда университетда мавжуд 8 та факультетнинг кундузги бўлимига қуйидаги 12 та: агрохимия ва агроупроқшунослик; агрономия (мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ипакчилик); ўсимликлар химияси, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги ва селекцияси; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси; зоотехния; ўрмончилик; иқтисодиёт (тармоқлар бўйича); бухгалтерия хисоби ва аудит; касб таълими (агрономия) йўналишлари бўйича бакалавр кадрлар тайёрланади.

Университетнинг сиртки бўлимида эса: агрономия (мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ипакчилик); зоотехния; ўрмончилик; иқтисодиёт (тармоқлар бўйича); агрохимия ва агроупроқшунослик; бухгалтерия хисоби ва аудит йўналишлари бўйича бакалавр кадрлар тайёрланади.

Университетда барча йўналишларда ўқийдиган талабалар бир йил давомида ҳарбий таълим бўйича сабоқ оладилар ва захирадаги зобитлар бўлиб етишадилар. Шу билан бирга, талаба қизлар «Тибийёт ҳамшираси» гувоҳномасини оладилар.

Университетга қуйидаги 25 та: тармоқлар иқтисодиёти; менежмент (сохалар бўйича); маркетинг (сохалар бўйича); тупроқшунослик; партахчилик; дончилик; ипак курти биологияси ва агротехникаси; сабзавотчилик; мевачилик; ҳимояланган ерда сабзавотчилик; узумчилик; ўсимликларни касаллик ва зараркундалардан асраш; энтомология; пахта уруғчилиги ва селекцияси; дала экинлари уруғчилиги ва селекцияси; мева ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси; наслчилик; паррандачилик; ўрмон мелиорацияси; мева-сабзавотчиликда биотехнология; тупроқ бонитировкаси; касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси (агрохимия ва агроупроқшунослик); ўсимликшунослик; умумий деҳқончилик; агрономия (далачилик) ихтисосликлари бўйича магистратурага қабул қилинади.

Абитуриентларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида 2002/2003 ўқув йили учун вилоятларда университетнинг қабул пунктлари ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича Қорақалпоқ давлат университети қошида, Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича Бухоро давлат университети қошида, Қашқадарё вилояти бўйича Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошида, Сурхондарё вилояти бўйича Термиз Давлат университети қошида ТошДАУнинг қабул комиссияси фаолият кўрсатмоқда.

Абитуриентлар университетнинг барча мавжуд бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига ҳужжатларини ўзлари яшаётган жойларда топширишлари мумкин. Шу билан бирга, вилоятлардан Тошкентга келиб университетга ҳужжат топширувчи абитуриентлар учун ҳам барча қулай зарур шароитлар мавжуд. Улар ётоқхоналар билан тўлиқ таъминландилар. Улар учун тест синовларига кирган фанлар бўйича малакали профессор-ўқитувчилар томонидан консултациялар олиб борилди. Пуллик 2 ойлик ва 1 ойлик тайёрлов курслари фаолият кўрсатмоқда.

Замонавий ўқув хоналари, кутубхона, майшии хизмат уйи, университет тарихи ва ҳаётини акс эттирувчи музей, ўқув-тажриба хўжалиги ва станциялари, спорт заллари, поликлиника ва профилакторий талабалар хизматида.

Азиз йигит-қизлар! Мустақил мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдек ээгу ишларга ҳисса қўшишни орозу қилган ёшлар! Сизларни университетимиз талабаси бўлишингизга тилақдошимиз! Омад сизларга ёр бўлсин! Ректорат.

Бизнинг манзил: 700140, Тошкент шаҳри, ТошДАУ. 19, 83, 96, 129, 115, 491-автобусларнинг «Тошкент давлат аграр университети» бекати.

Шарқона яккакураш



«Каратэ — менинг ҳаётим»

Куни кеча тақдирот маросими бўлиб утган ҳужжатли фильм ана шундай номланган. «Ўзбектеле-фильм» ижодкорлари томонидан яратилган ушбу асарда республика Каратэ миллий федерацияси президенти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси, 6-Дан қора белбоғ соҳиб-и Нурхон Нафасов ҳақида ҳикоя қилинади.

Қашқадарё вилоятининг Гузор туманида тутилган таниқли мураббийнинг шоғиралари устозларининг байрамига муносиб соғва ҳозирладилар. Нафасовнинг издошлари Швейцариянинг Ёслош шаҳрида ўтказилган шилар ўртасидаги жаҳон кубоги баҳсларидан қатор медаллар олиб келишди. Таниқлаш жоизки, ушбу беллашуларда дунёнинг 21 та давлатидан 600 нафар спортчи иштирок этди.

Озод БЕК, «Халқ сўзи» муҳбири.

«Фаллабанк» ишга таклиф этади.

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ «ФАЛЛАБАНК»

қуйидаги шаҳарларда жойлашган филиалларига вакант ўринлар учун юристарларни танлов асосида ишга таклиф қилади: Тошкент, Бекобоғ, Оҳангарон, Гулистон, Тойлоқ, Яккабоғ, Кўкғала қўрғон, Чимбоё, Беруний, Қўнғирот, Поп, Учқўрғон, Қўрғонтепа, Халқа ва Галаосиё қўрғони.



Номзодлар қуйидаги талабаларга жавоб беришлари лозим:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлиши; мутахассислиги бўйича олий юридик маълумотга эга бўлиши; юридик соҳада камидан 1 йиллик иш стажига эга бўлиши; банк соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар билан таниш бўлиши; номзоднинг ёши 40 ёшдан ошмаган бўлиши.

Номзодлар қуйидаги телефонлар орқали мувожаот қилишларини сўраймиз: 136-14-18, 133-47-83.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Газетхоналар билан алоқа ва минакалар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08; Янгиликлар ва халқро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 576, 36491 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Набатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ. Набатчи — С. ДОНИЁРОВ. Мусахҳх — Ш. МАШРАБОВЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материал.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 24.00. 1 2 3 4 5 6